

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ГАЙИБОВА САБИНА НАРИМАНОВНА**

**ЦИНАРОЗИДНИНГ ЦИКЛОДЕКСТРИНЛАР БИЛАН СУВДА  
ЭРИЙДИГАН КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА БИОЛОГИК  
ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК 615.322: 544.016.4: 577.352.42

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on biological sciences**

**Гайибова Сабина Наримановна**

Цинарозиднинг циклодекстринлар билан сувда эрийдиган комплексларнинг  
тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганиш.....3

**Гайибова Сабина Наримановна**

Изучение структуры и биологической активности водорастворимых  
комплексов цинарозида с циклодекстринами .....21

**Gayibova Sabina Narimanovna**

Study of the structure and biological activity of water-soluble complexes of  
cynaroside with cyclodextrins.....40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....17

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В/37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ГАЙИБОВА САБИНА НАРИМАНОВНА**

**ЦИНАРОЗИДНИНГ ЦИКЛОДЕКСТРИНЛАР БИЛАН СУВДА  
ЭРИЙДИГАН КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА БИОЛОГИК  
ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В473 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Арипов Тахир Фатихович**

биология фанлар доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Ощепкова Юлия Игоревна**

кимё фанлар доктори, кат.и.х.

**Тагайалиева Нигора Абдунабиевна**

биология фанлар номзоди, кат.и.х.

**Етакчи ташкилот:**

**Микробиология институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019. К/В.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.:71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83.Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ш.И. Салихов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Ш.А. Шомуротов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**М.Б. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда турли касалликларда фармацевтик таъсирнинг истикболли стратегияларидан бири табиий манбаалардан олинган моддалар асосида олинган дори воситалардан фойдаланиш ҳисобланади. Бу ўринда ўсимликлардан ажратиб олинувчи флавоноидлар одам ва хайвонлар хужайраларининг биологик фаоллигига кенг қамровли таъсир қилувчи моддалар сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Дори воситалари сифатида флавоноидларнинг фармакологик фаоллиги самарали бўлишига қарамасдан ксенобиотиклар билан солиштирилганда организм билан кам даражадаги биомосликка эга. Шунинг учун флавоноидлар асосидаги дори воситаларининг биомослигини ошириш ва терапевтик салоҳиятини яхшилаш учун турли технологик усуллардан фойдаланилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда жаҳонда янги дори воситаларини яратиш ва яратилган дориларни такомиллаштириш, биомослигини оширувчи ва доза миқдорини камайтириш имкониятини берувчи, таъсир этадиган моддаларни инсон организмига етказиб бериш тизими билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада молекуляр комплексларини олиш орқали яхшилланган фармакологик хусусиятларга эга макромолекуляр терапевтик системалар яратиш, ЦД асосида бошқариладиган молекуляр параметр ва физик-кимёвий хусусиятли полимер ташувчилар олиш, дори воситаларини ЦД билан иммобилизация қилиш усулларини ишлаб чиқиш, макромолекуляр дори системаларининг таъсир механизмларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратиш зарур.

Бугунги кунда республикамизда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида импорт ўрнини босувчи дори воситаларини яратиш, аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, флавоноидлар асосида олинган гипоазотемик ҳамда антиоксидант хусусиятга эга бўлган препаратларни биологик фаоллиги ўрганиш ва уларни ЦДлар билан комплексларини олиб, биомослигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда маҳаллий хом ашёлар асосида жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган, юқори самарадорликка эга ва арзон дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-2640-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда кўплаб илмий марказларда флавоноидларни дори воситалари сифатида қўлланилиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Wu ҳамда унинг ҳаммуаллифлари цинарозид *in vitro* шароитида кислороднинг фаол шакилларини олдини олиш ҳамда митохондрияларда каспазани фаоллашишини ингибирлаши ва TNF-ўлим рецепторларига таъсир қилиш орқали Н9С2 кардиобластома хужайра линияларини H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>-индуцирланган апоптоздан ҳимоя қилганини кўрсатиб беришган. Rump ва бош. томонидан изоляция қилинган каламуш юрагида цинарозидни антиишемик хусусиятини аниқланган. Бундан ташқари, *in vitro* тажрибаларда цинарозид томонидан эркин радикалларни ингибирланиши, қуйи зичликка эга липопротеинларни оксидланишининг секинлашиши ҳамда холестерин ва триглицеридларни кондаги миқдори камайиши кўрсатиб берилган.

Бугунги кунда полифеноллар ва уларнинг циклодекстринлар билан комплекслари кенг қўламда ўрганилмоқда. Проф. Усачева ва бош. томонидан рутинни β-ЦД иштирокида эрувчанлиги сезиларли даражада ортгани кўрсатиб берилган ва макроцикл концентрацияси ортиши билан рутинни эрувчанлиги чизикли равишда ортиши аниқланган. Бундан ташқари, проф. А.Г. Вейко ва бош. (2018) кверцетин-гидроксипропил-β-циклодекстрин комплексини олишган. Мазкур комплекс индивидуал моддага нисбатан глутатионни оксидланиши ва мембрана липидларининг перекисли оксидланишини самаралироқ ингибирлаши кўрсатиб берилган.

Республикамик миқёсида Ўсимлик моддалар кимёси институти ходимлари томонидан *Ferula varia* ўсимлигидан ажратиб олинган цинарозид гипоазотемик хусусият бўйича леспефрил дори воситаси билан таққосланганда бир ҳил таъсирга эга эканлиги кўрсатилган. Проф. Сыров В.Н. ва бош. томонидан цинарозиднинг янги 0,05 г таблетка кўринишидаги шаклини ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Бироқ, кўпдаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан цинарозидни циклодекстринлар билан комплекслари олинмаган ва тадқиқ этилмаган. Бундай тадқиқотлар цинарозидни терапияда кенг қўлланилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-АЁО-11 «Лютеолин ва унинг хосиласи цинарозидни циклодекстринлар билан сувда эрийдиган комплексларини олишни оптимал усулини яратиш ва уларни биологик фаолликларини ўрганиш» (2017-2018 й.й.) мавзудаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** циклодекстринлар тури ҳамда комплексларини олиш усулларини цинарозиднинг биологик фаоллиги ва олинган комплексларнинг тузилишига солиштирма таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

назарий ҳисоб-китоблар ёрдамида цинарозидни биомослигини ошириш учун  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД лардан ёрдамчи моддалар сифатида фойдаланиш эҳтимолини аниқлаш;

фазали эрувчанлик профили усули ёрдамида  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД дан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

бўғлатиш ва лиофил қуритиш усуллари ёрдамида цинарозидни  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД билан комплексларини олиш;

ТГ-ДСК, кукунли рентген дифрактометрия, УБ-спектроскопия, ЯМР-спектроскопия каби физик-кимёвий усуллар ёрдамида ҳосил бўлган комплексларни тасдиқлаш;

*in vitro* шароитида каламуш аорта препаратида цинарозид ва унинг ЦД билан супромолекуляр комплексларини вазорелаксанти эффектини аниқлаш;

*in vitro* шароитида цинарозид ва унинг ЦД-комплексларини каламуш жигар митохондрияларида оксидланишли стресс чақириб, мембрана липидларининг перекисли оксидланиши ва эркин радикалларга нисбатан таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида цинарозид,  $\gamma$ -циклодекстрин ( $\gamma$ -ЦД), 2-гидроксипропил- $\beta$ -циклодекстрин (2-ГП- $\beta$ -ЦД), комплексы цинарозид/ $\gamma$ -ЦД ва цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД (бўғлатиш ва лиофил қуритиш усуллари билан олинган, ҳамда физик аралашма), каламуш аорта препарати, каламуш жигар митохондрияси, митоK<sub>ATP</sub>-канал, липидларни перекисли оксидланиши хусусиятлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** цинарозидни  $\gamma$ -циклодекстрин ва 2-ГП- $\beta$ -циклодекстрин билан цинарозидни комплексларини олиш, цинарозид/ $\gamma$ -циклодекстрин ва цинарозид/2-гидроксипропил- $\beta$ -циклодекстрин комплексларини олинишига физик-кимёвий хусусиятларни таъсирини ўрганиш (бўғлатиш ва лиофил қуритиш усуллари ҳамда физик аралашма), аорта препарати ва митохондрия функционал параметрларида комплексларни биомойиллиги, ўсимлик флавоноидларини липидларни перекисли оксидланишида мембрана фаоллиги, уларни каламуш жигар митохондрияларининг функционал хусусиятларига таъсири ҳамда антирадикал фаоллиги аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кукунли рентген дифрактометрия, дифференциал сканерловчи калориметрия ва термогравиметрик таҳлил, оптик микроскопия, УБ-спектроскопия, ЯМР-

спектроскопия, дифференциал центрифугалаш, фотометрия, спектрофотометрия каби замонавий биоорганик ва биофизик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

$\gamma$ -ЦД иштирокида цинарозиднинг эрувчанлигидаги фазали профиль В-типга мос, 2-ГП- $\beta$ -ЦД иштирокида эса цинарозиднинг эрувчанлигидаги фазали профиль  $A_L$ -типга мослиги аниқланган;

$\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД иштирокида цинарозидни сувда эрувчанлиги ортиши ҳамда бўғлатиш, лиофиол қуритиш ва механик аралашма усуллари билан цинарозид/ $\gamma$ -циклодекстрин ва цинарозид/2-гидроксипропил- $\beta$ -циклодекстрин комплекслари олинган ва тузилиши физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботланган;

цинарозиднинг циклодекстрин билан комплекслар индивидуал цинарозидга нисбатан юқориқоқ релаксанти хусусиятни намоён қилиши аниқланган;

цинарозиднинг циклодекстрин билан комплекслар индивидуал компонентларга нисбатан юқориқоқ даражада жигар митоК<sub>АТФ</sub>-канални фаоллаштириши аниқланган;

цинарозиднинг циклодекстрин билан комплекслар индивидуал цинарозидга нисбатан ДФПГ барқарор радикали, NO радикали, Fe<sup>2+</sup>/аскорбат тизими билан чақирилган мембраналардаги липидларни перекисли оксидланишини кучлироқ ингибирлаши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

цинарозиднинг  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД билан комплексларини олиш оптимал усуллари аниқланган;

$\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД комплекслари сувли муҳитда цинарозидни эрувчанлиги ошириши аниқланган;

цинарозид  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД билан комплексларининг юқори антиоксидантлик ва релаксанти хусусиятларини намоён қилиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижалар замонавий физик-кимёвий ва биофизик усуллардан фойдаланилгани, олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси натижаларнинг импакт-факторли рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши, таққосланган кўрсаткичлардаги фарқларни ишонччилигини статистик қайта ишлаш учун Стюдент коэффициенти, компьютерные дастурлари Origin 6.1 (OriginLab Corporation, АҚШ), Graph Pad Prism 8 (GraphPad Software, АҚШ) дан фойдаланилганлиги билан баҳоланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти цинарозидни  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД билан олинган комплекслари, олинган комплексларни физик-кимёвий хусусиятлари, комплексларни релаксанти хусусиятини ўрганиш, митоК<sub>АТФ</sub>-канални модуляция қилиши орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, цинарозидни аниқланган фармакологик эффекти цинарозид учун специфик “нишон” вазифасини бажарувчи молекуляр факторларни тўғрисида илмий қарашларни

бойитади ва тадқиқотлар учун илмий асос бўлиб хизмат қилиб, уни клиник қўлланилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Цинарозидни циклодекстринлар билан комплекслар олиш ва уларнинг биологик фаоллигини скрининг қилиш натижалари бўйича:

цинарозид ва унинг комплекслари каламуш аорта препаратининг қисқариш фаоллигига таъсири ФА-Ф-6 «Юрак-қон томир хужайралари истиқболли нишонларини модуляция механизмларининг комплекс тавсифи» фундаментал лойиҳасида биологик актив моддаларнинг юрак-қон томир хужайраларига таъсирларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 10 декабрь 2020 йилдаги 4/1255-2770-сон маълумотномаси). Натижада циклодекстринлар билан олинган комплекслар юқори релаксат хусусиятни намоён қилиши имконини берган;

цинарозиднинг циклодекстринлар билан эрувчанлиги ошиши цинарозиднинг нейропротектив хусусиятларни яхшилаш усулларидан Барселона Автоном университетининг “Дори моддаларни етказиш учун полимер наноишувчилар” лойиҳасида циклотекстрин комплекслари асосида моддаларни етказиб берадиган нанотузилишларнинг мувофиқлигини аниқлашда фойдаланилган (Барселона Автоном университетининг (Испания) 2020 йил 19 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада цинарозид/циклодекстрин комплексларининг биологик фаоллигини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Цинарозидни қўллаш истиқболлари: муаммога замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида *in vitro* ва *in vivo* жонли равишда цинарозид биологик фаоллигини ўрганиш, флавоноидларнинг биомослиги даражасини оширишга замонавий ёндашувлар, уларнинг амалий қўлланилишини кенгайтиришга бағишланган замонавий адабиётлар таҳлил қилинган, шунингдек ноёб физик фазовий тузилиши "инклюзия комплекслари"ни яратишга имкон берадиган циклодекстринларнинг кимёвий хусусиятлари, бу "мехмон молекуласи" нинг эрувчанлиги, биомослиги ва бошқалар каби физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгаришига олиб келади.

Диссертациянинг "Циклодекстринлар билан цинарозидни инклюзия комплексларини таҳлил қилишнинг инструментал усуллари" деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш бошқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар келтирилган. Хусусан, ўсимлик экстрактларидаги цинарозиднинг сифат ва миқдорий таркиби, цинарозид ва циклодекстринлар орасидаги комплексларни ҳосил бўлиш параметрларининг назарий ҳисоб-китоблари, термогравиметрик таҳлил усуллари, калориметрик дифференциал сканерлаш, кукунли рентген диффрактометрияси, спектрофотометрия, ядро магнит резонанси, антирадикал фаолликни аниқлаш, каламуш аорта препаратларининг қисқариши, каламуш жигаридаги митохондрияни дифференциал центрифуга билан айратиш усули, митоK<sub>ATФ</sub> каналининг фаоллигини аниқлашнинг фотометрик усули, митохондриядаги липид пероксидланиш маҳсулотларини аниқлашнинг биокимёвий усули. Натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Цинарозидни циклодекстринлар билан комплексларини олиш ва уларни физик-кимёвий тавсифлаш усуллари**» деб номланган бешинчи бобида ўсимлик экстрактларидаги цинарозид миқдорини аниқлаш, цинарозид билан циклодекстринларни комплексларини олиш имкониятларини тасдиқловчи назарий ҳисоб-китоблар, цинарозидни билан циклодекстринлар комплексларни олиш ва уларни термограмма ҳамда дифрактограммаларини ўрганиш, сувли муҳитда цинарозидни эрувчанлигида циклодекстринларни ўрнини ўрганиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Цинарозиднинг циклодекстринлар билан комплексларини биологик хусусиятлари**» деб номланган олтинчи бобида *in vitro* шароитида комплексларни каламуш аорта препаратининг қисқариши, митоK<sub>ATФ</sub>-канал фаолияти ҳамда Fe<sup>2+</sup>/аскорбат тизими билан чақирилган ЛПО жараёнига таъсирини ўрганишга бағишланган.

*Linaria vulgaris L., Galium verum L., Thymus pannonicus L., Hypericum perforatum L., Robinia pseudoacacia L., Melissa officinalis L., Salvia officinalis L.* ўсимликлар экстрактлари таркибидаги цинарозид миқдорининг скрининги Ўзбекистон миқёсида цинарозидни ажратиб олиш учун кенг қўламда

қўлланиладиган *Ferula varia* L. таркибидаги цинарозид микдорига яқин эканлиги аниқланди, бундан ташқари *Galium verum* L., *Thymus pannonicus* L., *Robinia pseudoacacia* L. ўсимликлари ҳам цинарозид олиш учун оптимал манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

*Цинарозид ва циклодекстринлар комплексларининг шаклланишини назарий ҳисоб-китоблари* комплексларнинг шаклланишини батафсил тадқиқ этиш кераклигини кўрсатиб берди.

*Фазали эрувчанлик профилларини (ФЭП) таҳлили усули ёрдамида цинарозид ва циклодекстринлар комплексларни шаклланишини баҳолаш* циклодекстринлар иштирокида цинарозидни эрувчанлиги ва флавоноидни биомойиллиги ортишига олиб келишини кўрсатиб берди. Таъкидлаш жойизки  $\gamma$ -ЦД ( $\gamma$ -циклодекстрин) учун ФЭП эрувчанлиги чекланган  $B_s$  – комплексга таалуқли ва натив циклодекстринлар учун хосдир; 2-ГП- $\beta$ -ЦД (2-гидроксипропил- $\beta$ -циклодекстрин) иштирокида цинарозиднинг ФЭП профилнинг  $A_L$  типига мансуб бўлиб 1:1 стехиометрия билан комплекс шаклланишидан далолат беради.  $\gamma$ -ЦД ҳамда 2-ГП- $\beta$ -ЦД иштирокидаги цинарозиднинг сувли муҳитдаги эрувчанлиги бўйича олинган экспериментал натижаларга ва термодинамик параметрларга асосланиб олинган К қиймат манфий Гиббс энергияси  $\Delta G$  билан ифодаланган ва беихтиёр комплекслар ҳосил бўлишидан далолат беради. Шу билан бир қаторда иккала ҳолатда ҳам энтальпияни  $\Delta H^\circ$  қисман ортиши эндотермик жараён билан комплекслар ҳосил бўлишини кўрсатади.

*Комплексларнинг морфологияси.* Дастлабки бирикмаларнинг бирга бўғланиш, лиофил қуриштириш ҳамда механик аралашма (физаралашма) усуллари билан олинган цинарозид/ $\gamma$ -ЦД ва цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД комплексларининг наноструктур намуналарини таҳлили ёруғлик микроскопия натижаларга қараганда ҳар бир комплекслар учун ўзига хос морфологияси мавжудлигидан далолат беради. Индивидуал модда ва комплексларнинг микрофотосуратларда кристаллик ва аморф ҳолатларининг пайдо бўлиши/йўқолиши кузатилган.

*Кукунли рентген дифрактометрияси усули ёрдамида комплексларни шаклланишини тасдиқлаш* учун тоzza моддаларнинг кукунлари, физик аралашмаси ва цинарозид циклодекстрин билан олинган намуналари фойдаланилди. Олинган натижаларни солиштириш бўйича комплекслар ҳосил бўлиш натижасида кристалларнинг структураси ўзгаришини хулоса қилса бўлади. Комплексларни олинишининг турли усулларида фойдаланиш дифрактограммалардаги рентген нурларининг ёйилиши турли нақлардан иборатлигини кўрсатиб берди.

Механик аралашма ва бўғлатиш усули билан олинган цинарозид/ $\gamma$ -ЦД тизимида, айрим ҳолларда қўшимча пиклар пайдо бўлиши билан биргаликда (дифракции бурчаги ( $2\theta$ :  $5,02^\circ$  (физаралашма),  $5,2^\circ$  (бўғлатиш)), рентгенограммалар деярли бир ҳил бўлган, бундан ташқари  $\gamma$ -ЦД га ( $2\theta$ :  $15-16^\circ$  соҳасида) хос пиклар сақланиб қолган. Леофил қуриштириш усули билан олинган цинарозид/ $\gamma$ -ЦД тизимида цинарозид ва циклодекстрин учун хос пикларни ажратиш имкони бўлмаган. Мазкур олинган натижалар цинарозид

хамда циклодекстринларни кристаллик материал сифатида мавжуд эмаслигидан далолат беради ва микрофотосуратлар таҳлилини яна бир бор тасдиқлайди.

Цинарозид/2-ГП-β-ЦД тизимида (физик аралашма) рентгенограммалар 2-ГП-β-ЦД учун хос бўлган иккита кенгайган дифракцион пиклар билан ифодаланган бўлиб флавоноидлар учун хос пикларни ажратиш олиш имконини бермайди. Бу ҳолат цинарозид кристалл шаклда мавжуд эмаслигидан далолат беради ва унинг циклодекстрин билан қаттиқ комплекси аморф ҳолатда эканини изоҳлайди.

Бирга буғланиш ва лиофил қуритиш усуллари ёрдамида олинган цинарозид/2-ГП-β-ЦД тизими амор моддалар учун хос бўлган кучсиз сигнал ва профильни намоён қилганлигини кузатилади. 2-ГП-β-ЦД учун хос бўлган кенг пик намоён бўлган, бироқ унинг интенсивлиги жуда кам эканлиги аниқланган.

Индивидуал циклодекстрин ва цинарозидни, уларнинг комплекслари ҳамда физик аралашмаларинг *термик таҳлили* харорат чегараларини силжиши, интенсивлик ва шаклларни ўзгариши ҳамда комплексларни ҳосил бўлишидан далолат берувчи баъзи пикларни йўқолиши ва бошқа пикларни пайдо бўлиши аниқлашга имкон берди.

Лиофил қуритиш усули ёрдамида олинган цинарозид/γ-гамма-ЦД комплексининг термограммасида сувни буғланишидан далолат берадиган пик нисбатан пастроқ харорат соҳасига – 45,3°C силжиганини кўриш мумкин, шу билан биргаликда 258,1°C ва 299,5°C соҳаларида кўшимча пиклар ҳосил бўлган. Суюқланиш хароратининг қийматлари дастлабки компонентларнинг суюқланиш хароратига яқин жойлашга. Олинган натижалар цинарозид тўлиқ миқдорда эмас балки қисман циклодекстринга кириб, қолган қисми эркин ҳолатда эканлигидан далолат беради. Цинарозидни 2-НР-β-ЦД билан физик аралашмаси ҳамда буғлатиш усули ёрдамида олинган комплексининг термограммаларида сувни буғланишидан далолат берадиган пиклардан ташқари (53,6°C ва 56,7°C) бошқа ўзига хос пиклар йўқлигини кўрсатади. Цинарозиднинг комплекслардаги эндотермик пикининг тўлиқ йўқолиши цинарозидни ЦД ғовагига тўлиқ жойлашганидан далолат беради. Лиофил қуритиш усули ёрдамида олинган намуна 46,1°C даги сувни буғланиш эндотермасидан ташқари 239,6°C ва 318,54°C соҳаларида иккита кенг кўринишдаги пикларни ҳосил бўлганини кўрсатади.

Лиофиллаштирилган намуна термограммаларида – цинарозид/γ-ЦД ҳамда цинарозид/2-ГП-β-ЦД тизимларида – цинарозид ва циклодекстрин молекулаларини бир қисми боғланганлигидан далолат берувчи индивидуал компонентларга хос бўлган иккита кичкина эндотермик пикларни мавжудлигини кўрсатади.

Буғлатиш ва физик аралаштириш усуллари ёрдамида олинган намуналарнинг термограммаларида яққол намён бўладиган пикларнинг йўқлиги цинарозид ҳамда ЦД супрамолекуляр бирикма ҳосил қилишидан далолат беради. Сув молекулаларининг буғланиш хароратини кўтарилиши ҳам кристал ҳолатидаги сувни комплекслар ҳосил бўлишида иштирок

этишидан далолат беради. Олинган натижалар эритувчисиз физик аралаштириш усули ёрдамида олинган комплекслар янги қаттиқ фазали ҳолатда эканлигини кўрсатади. Буғлатиш ва механик аралаштириш усуллари билан олинган намуналардаги сувни буғланиш хароратининг ортиши комплекслар ҳосил бўлишида кўп ючрайдиган боғланган сувни мавжудлигидан далолат беради. Сувни буғланиш хароратининг пастроқ харорат соҳасига силжиши, масалан лиофил қуриштиш усулида, боғланмаган сувни буғланишидан далолат беради. Олинган натижалар комплекслар ҳосил бўлиш жараёнида сув молекулаларининг минимал миқдорда иштирок этиши муҳим аҳамиятни касб этадиган маълум фактлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, комплекслар ва физик аралашма термограммаларидан индивидуал цинарозид ва циклодекстринларнинг фазавий ўзгаришлари ва деструкцияси жараёнлар активация энергиясидаги фарқлар комплекслар ҳосил бўлганидан далолат беради.

*УВ-спектроскопия.* Циклодекстринларнинг цинарозиднинг сувда эрувчанлигини оширишга таъсирини аниқлаш учун мезбон ва мехмонларнинг ўзаро таъсирини ултрабинафша спектроскопик тадқиқотлар ўтказилди. Цинарозиднинг сувли эритмасида фақат битта кенгайтирилган чўққиси максимал 344 нм билан кузатилган.  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД деярли бутун спектрда сингиб кетмаслиги қайд этилган, шунинг учун уларнинг ассимиляция қобилиятини эътиборсиз қолдириш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, комплекслар спектрларининг ўзига хос хусусияти тепаликларнинг интенсивлигидаги фарқ эди. Шундай қилиб, бирга буғланиш усули билан олинган цинарозид/ $\gamma$ -ЦД комплекси, унинг ютилишида интенсивликнинг энг катта ўсишига эга - сувда эриган индивидуал цинарозиднинг ютилишига нисбатан навбати билан 22,2 марта. Шундай қилиб, цинарозид комплексларининг ултрабинафша спектрларининг  $\gamma$ -ЦД билан сингдирилиш интенсивлигининг кузатилиши цинарозиднинг эрувчанлигини оширувчи тузилмалар ҳосил бўлишидан келиб чиқади. Кўпгина ҳолларда циклодекстринлар текширилаётган модданинг сувли эритмасига қўшилганда, ютилиш спектрлари ҳолатининг ўзгариши ҳам кузатилади. Спектрофотометрик таҳлил шуни ҳам кўрсатдики, лиофил қуриштиш билан қуриштиш натижасида олинган цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД комплекси спектрларида батохром силжиш ва ютилиш максимумларининг ўзгариши индивидуал цинарозидга нисбатан. Спектр ўзгаришининг бу хусусияти, 2-ГП- $\beta$ -ЦД молекуласининг бўшлигига киритилганида, цинарозид молекуласининг ўзгаришини кўрсатади.

*ЯМР спектрометрия.* Цинарозид/ $\gamma$ -ЦД комплексида  $\gamma$ -ЦДнинг кимёвий силжишларида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмаган.  $\gamma$ -ЦДнинг ички бўшлигини ҳосил қиладиган Н3 ва Н5 чоққилари учун  $^1\text{H}$ -ЯМР спектрининг кимёвий силжишларининг ёқлиги шундан далолат берадики, цинарозид циклодекстриннинг бутун бўшлигини эгалламайди. Шунга қарамай, шуни таъкидлаш керакки,  $\gamma$ -ЦД бўлган комплекс сувли эритмадаги цинарозиднинг  $^1\text{H}$  ЯМР сигналларини ўз ичига олади, бу жуда муҳимдир, чунки юқорида айтиб

ўтилганидек, сувли еритмада индивидуал цинарозид мавжудлиги қайд этилмаган. Комплексдаги цинарозид сигналлари цинарозид учун одатий 6.0-7.4 м.д. оралиғида кенроқ ва зичроқ бўлиб намоён бўлди, бу молекулаларнинг ёпишишини кўрсатади ва инклюзия бўлмаган комплекслар учун хосдир. Анъанавий равишда, шакар сохаси бўйича интеграл 48 (бу битта  $\gamma$ -ЦД цикли) деб қабул қилинди, бу эса цинарозид бўйича интегрални хисоблаш имконини берди, яъни 0,37 эди, яъни битта цинарозид циклодекстриннинг 16 циклига тўғри келади.


Цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД комплексининг спектри шакар қисмида ва циклодекстрин метил гурухида хеч қандақ ўзгариш кузатилмаганлигини кўрсатди. Цинарозиднинг спектри қайд этилди, у ўзини икки томонлама сигналлар тўплами сифатида намоён қилди, бу иккинчисининг молекулаларининг ўзаро жойлашишини кўрсатади ва унинг ЦДга боғланишини аниқ кўрсатиб беради. Цинарозиднинг айралмас сигнал интенсивлиги асосида битта цинарозид тахминан 27 ЦД циклда содир бўлиши хисоблаб чиқилган.

Шундай қилиб, физик-кимёвий усуллар билан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, цинарозиднинг эрувчанлиги ошиши, флавоноид циклик олигосахариднинг бўшлигига қўшилганда, цинарозид ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД ўртасида инклюзия комплекси ҳосил бўлиши натижасида келиб чиқади деган хулосага келиш мумкин (1-расм).



1-расм. Цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД комплексининг тузилиши.

Инклюзив комплекс ҳосил бўлишидан ташқари, ЦДлар бўшлиққа киритилмасдан моддалар билан ўзаро таъсирлашиши ёки агрегат комплексларини ҳосил қилиши мумкин.  $\gamma$ -ЦД билан комплексда цинарозиднинг эрувчанлигининг ошиши флавоноидни циклодекстрин бўшлигига киритилишига эмас, балки агрегатлар ҳосил бўлишига асосланади (2-расм). Инклюзив равишда комплекслаш, мехмон молекуласининг циклодекстрин билан ўзаро таъсирининг алтернатив механизми бўлиши мумкин, бу эса бирикманинг хусусиятларини физикавий, кимёвий ва фармацевтик яхшиланишларга олиб келиши мумкин.




2-расм. Цинарозид/ $\gamma$ -ЦД комплексининг тузилиши.

Кейинги тажрибаларда куйидаги қисқартмалар қабул қилинди, бу комплексларнинг белгиланиши нисбати: Цин / $\gamma$ -ЦД (С) – Цинарозид/ $\gamma$ -ЦД (бирга бўғланиш усули); Цин/ $\gamma$ -ЦД (ЛС) – Цинарозид/ $\gamma$ -ЦД (лиофил қуритиш усули); Цин/ $\gamma$ -ЦД (МС) – Цинарозид/ $\gamma$ -ЦД (механик аралаштириш усули); Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (С) – Цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД (бирга бўғланиш усули); Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (ЛС) – Цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД (лиофил қуритиш усули); Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (МС) – Цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД (механик аралаштириш усули); Цин (ДМСО) – Цинарозид (ДМСО эритувчиси); Цин (сув) – Цинарозид (сув эритувчиси).

*Цинарозид ва унинг комплексларининг антирадикал фаоллиги.* Комплексларнинг ДФПГ барқарор радикали билан ўзаро таъсирини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, комплекслар эркин радикалларни, хусусан бўғлатиш натижасида олинган цинарозид/ $\gamma$ -ЦД комплекси, юқорирок қайтариш қобилиятига эга (20 мартабадан ортиқ). NO-радикалига нисбатан энг юқори ингибирлаши хусусияти цинарозид/ $\gamma$ -ЦД (С) ва цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД (ЛС) да кузатилди.

МДА миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, цинарозид/ $\gamma$ -ЦД (С) ва цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД (ЛС) хузурида МДАнинг ингибирлаштириши сезиларли даражада кузатилган. Умуман олганда, олинган натижалар индивидуал цинарозид билан таққослаганда олинган комплексларнинг антиоксидант ва антирадикал фаоллигининг сезиларли даражада ошганлигини тасдиқлади.

*Цинарозид ва унинг комплексларининг аортанинг бўшашига таъсири.* Цинарозиднинг вазорелаксант таъсирини ўрганишда икки турдаги эритувчилардан (сув ва ДМСО) фойдаланилган, чунки цинарозиднинг сувдаги биомойиллиги чекланган ва флавоноидлар учун ДМСО самарали эритувчи эканлиги азалдан маълум. Кенг концентрацияли диапазонда (50 мМ гача), цинарозид (эритувчи ДМСО) каламуш аортаси препаратининг қисқариш фаоллигига таъсир қилмади, бироқ дастлабки КС1 (50 мМ) билан чақирилган аорта препаратидо дозага боғлиқ равишда -  $90,1 \pm 6,6\%$  гача кучли релаксант таъсир кўрсатди,  $IC_{50}$  концентрацияси (28,8 мМ) кейинги тажрибаларда ишлатилган.




Аорта препаратларининг бўшашиш фоизи, n = 5

3-расм. Цинарозид ва унинг ЦД комплексларининг каламуш аорта препаратиди КС1 (50 мМ) билан чақирилган дастлабки қисқаришига вазорелаксант таъсири (*in vitro*). I - Цин (ДМСО); II - Цин (сув); III - Цин/γ-ЦД (С); IV - Цин/2-ГП-β-ЦД (ЛС); V - Цин/γ-ЦД (ЛС); VI - Цин/2-ГП-β-ЦД (МС); VII - Цин/γ-ЦД (МС); VIII - Цин/2-ГП-β-ЦД (МС). Цинарозид бўйича концентрацияси 28,8 мкМ. \* - Цин (ДМСО)га нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ (P<0.01). # - Цин (сув)га нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ (P<0.01)


Комплексларни аорта препаратининг дастлабки қисқаришига таъсири 3 расмда келтирилган. Цинарозидни ва γ-ЦД комплексларини буғлаш усули билан олингани аортанинг препаратининг бўшашига энг самарали таъсир қилиши кузатилди - цинарозид билан таққослаганда деярли 2 маротаба. Кейинги энг самарали намуна леофил куритиш натижасида олинган цинарозид/2-ГП-β-ЦД намунаси бўлиб, индивидуал цинарозид намунасидан 15% йуқори таъсир этгани аниқланди.

Маълумки, аортанинг силлиқ мушак хужайралари (СМХ) нинг КС1 таъсирида қисқариши потенциалга боғлиқ калций каналларининг (Ca<sup>2+</sup> L-каналлари) фаоллашиши билан боғлиқ. Ca<sup>2+</sup> ионларининг кумулятив қўшилиши қисқариш жараёнларини ривожланиши билан кузатилди. Комплексларнинг қўшилиши аортанинг қисқариш фаоллигини пасайишига олиб келгани аниқланиб, энг юқори самарадорликни буғлатиш усули билан олинган цинарозид/γ-ЦД комплекси ва леофил куритиш усули билан олинган цинарозид/2-ГП-β-ЦД комплекси кўрсатди, бу эса калций ионлари фониди аортанинг 80% гача бўшашишига олиб келиб (4-расм), комплексларнинг релаксант таъсирини амалга оширишда хужайра ташқарисиди калций ионларининг муҳим ахамиятини тасдиқлайди ва силлиқ мушак хужайралари плазматик мембраналарининг потенциалга боғлиқ калций каналлари билан комплексларнинг ўзаро таъсири мавжуд эканлигини тасдиқлайди.



4-расм. Кальций ионлари иштирокидаги КС1 (50мМ) билан чақирилган аорта бўшашини эгри чизиклари. (n=4-5). I – CaCl<sub>2</sub> (назорат); II – Цин (сув); III - Цин/γ-ЦД (ЛС); IV - Цин/2-ГП-β-ЦД (С); V - Цин (ДМСО); VI - Цин/2-ГП-β-ЦД (ЛС); VII - Цин/γ-ЦД (С). n – такрорлашлар сони. \* - Назоратга нисбатан статистик фарқланиш. Ишончлилилик даражаси P < 0,05.

Ушбу тахминни тасдиқлаш учун кейинги тажрибаларимизда цинарозид флавоноиднинг релаксат таъсири верапамил (0,1 мМ), специфик Ca<sup>2+</sup>L-канал блокатори томонидан сезиларли даражада камайгани аниқланди: верапамил аортанинг КС1 таъсирида қисқариш таъсири 50,3 ± 4,5 % га камайтиргани аниқланди. Аортани цинарозид дастлабки инкубация қилиш қисқариш кучини 18,6 ± 4,9% га камайтирди. Верапамил эффекти фонид аорта препаратига цинарозид/γ-ЦД намунасини кўшилиши аорта препаратларининг кўшимча бўшашишига олиб келди - бу назорат билан таққослаганда деярли 80% ни ташкил қилган. Цинарозид/2-ГП-β-ЦД намунаси (леофил қуритиш усулида олинган) ҳам вазорелаксат таъсирини юқори даражада кўрсатди (5-расм).




5-расм. Цинарозид ва унинг ЦД комплексларининг верапамил (ўзига хос кальций канал блокатор) иштирокида КС1 (50 мМ) билан чақирилган дастлабки қисқаришига вазорелаксат таъсири (*in vitro*). I - Цин (ДМСО); II - Цин (сув); III - Цин/γ-ЦД (С); IV - Цин/2-ГП-β-ЦД (ЛС); V - Цин/γ-ЦД (ЛС); VI - Цин/2-ГП-β-ЦД (МС); VII - Цин/γ-ЦД (МС); VIII - Цин/2-ГП-β-ЦД (МС). Цинарозид бўйича концентрацияси 28,8 мкМ. \* - Цин (ДМСО)га нисбатан

статистик жихатдан ахамиятли фарқ ( $P < 0.01$ ). # - Цин (сув)га нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ ( $P < 0.01$ ).


Шундай қилиб, комплексларнинг верапамил эффеќти фонида аорта препаратларини кўшимча равишда бўшатиш хусусияти, бир томондан, релаксанти таъсирининг асосини потенциалга боғлиқ калций каналларини комплекслар билан блоклаш эканлигини тасдиқлайди; бошқа томондан, рецепторга боғлиқ калций каналлари билан ўзаро боғлиқликни ўз ичига олади.

Ушбу тахмин комплексларнинг релаксанти таъсирини ўрганишда фенилэфрин билан чаќирилган аорта препаратининг қисқаришга таъсири билан ҳам тасдиқланди. Бундай шароитда комплекслар сезиларли вазорелаксанти таъсир кўрсатади, бу айниқса буғлатиш натижасида олинган цинарозид/ $\gamma$ -ЦД комплексида (деярли 20 марта) ва цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД комплексида дярли 10 марта ортгани аниқланган (6-расм). Шундай қилиб, комплексларнинг вазорелаксанти таъсири рецептор орќали бошқариладиган калций каналларини блоклаш орќали амалга оширилиши кўрсатилди.



6-расм. Каламуш аорта препарати фенилэфриннинг (ФЕ, 1 мкМ) таъсирида қисқаришига цинарозид ва унинг ЦД-комплексларининг вазорелаксанти таъсири (*in vitro*). I - Цин (ДМСО); II - Цин (сув); III - Цин/ $\gamma$ -ЦД (С); IV - Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (ЛС); V - Цин/ $\gamma$ -ЦД (ЛС); VI - Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (МС); VII - Цин/ $\gamma$ -ЦД (МС); VIII - Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (МС). Цинарозид бўйича концентрацияси 28,8 мкМ. \* - Цин (ДМСО)га нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ ( $P < 0.01$ ). # - Цин (сув)га нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ ( $P < 0.01$ ).

Маълумки, фенилэфрин билан мембраналарни деполяризацияси ҳолатидаги бирикмаларнинг релаксанти таъсири, ишемия ва гипоксия ҳолатида миокардни ҳимоя қилишда муҳим ахамият касб этадиган АТФга боғлиқ калий канал билан ҳам бевосита боғлиқ. Бизнинг тадқиқотларимизда олинган комплекслар сезиларли даражада (20 ва 10 баробар) АТФ га боғлиқ калий канални фаоллаштириши аниқланган (7-расм).



АТФга боғлиқ бўлган калий каналининг фаоллашиш фоизи, n = 5

7-расм. Цинарозид ва унинг ЦД-комплексларининг АТФга боғлиқ калий каналининг фаоллигига таъсири (*in vitro*). I - Цин (ДМСО); II - Цин (сув); III - Цин/ $\gamma$ -ЦД (С); IV - Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (ЛС); V - Цин/ $\gamma$ -ЦД (ЛС); VI - Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (МС); VII - Цин/ $\gamma$ -ЦД (МС); VIII - Цин/2-ГП- $\beta$ -ЦД (МС). Цинарозид бўйича концентрацияси 28,8 мкМ. \* - Цин (ДМСО)га нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ ( $P < 0.01$ ). # - Цин (сув)га нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ ( $P < 0.01$ ).

Олинган натижаларни эътиборга олган ҳолда цинарозид комплексларининг релаксат эффектнинг механизми потенциалга боғлиқ ва рецепторга боғлиқ кальций каналларни блоклаб ҳамда АТФга боғлиқ калий канални фаоллаштириш орқали СМХ цитозолига  $Ca^{2+}$  оқимини камайтириши билан боғлиқ эканлиги кўрсатиб берилган.

## ҲОТИМА

Цинарозид флавоноиди  $\gamma$ -ЦД билан агрегат типдаги, 2-ГП- $\beta$ -ЦД билан эса “меҳмон-мезбон” типдаги комплекслар ҳосил қилади. Барқорорлик константалари комплексларни юқори стабилликка эга эканлигидан далолат беради. Комплекс ҳосил бўлишдаги Гиббс эркин энергияси ( $\Delta G < 0$ ) ва энтальпиянинг ( $\Delta H < 0$ ) юқори манфий кўрсаткичлари ҳамда энтропия ўзгаришининг ( $\Delta S > 0$ ) мусбат кўрсаткичлари жараённи ўз-ўзидан ва экзотермик эканлигидан далолат беради. Цинарозидни циклодекстринлар бўшлиғига жойлашиб, супрамолекуляр комплекс ҳосил қилиши унинг антиоксидант ва антирадикал потенциалини ортишига олиб келади. Индивидуал цинарозидга нисбатан ЦД-комплекслари сарколемманинг потенциалга боғлиқ ва рецепторга боғлиқ каналларга таъсир этиб, каламуш аорта препаратининг дастлабки қисқаришини самаралироқ бўшаштиради ҳамда АТФ га боғлиқ калий канални фаоллаштиради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Циклодекстринларни цинарозид билан комплексларини олиш имкониятлари назарий ҳисоблаб чиқилган барқорорлик константалари (K) билан асосланганлиги билан изоҳланади.

2. Фазали эриш профили усули ёрдамида цинарозидни эрувчанлигида ЦД дан фойдаланиш самарадорлиги исботланган.

3. Цинарозиднинг эрувчанлик даражасини ортиши  $\gamma$ -ЦД ва 2-ГП- $\beta$ -ЦД иштирокида буғлатиш, лиофил қуритиш ва механик аралаштириш усуллари билан олинган комплекслар билан изоҳланади, жумладан цинарозид/ $\gamma$ -ЦД (Б) намунаси агрегат типини ташкил қилади, цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД (ЛҚ) намунаси эса комплексни ташкил қилади.

4. Цинарозиднинг ЦД-комплекслари индивидуал цинарозидга нисбатан ДФПГ ва NO радикаллари самаралироқ ингибирлаши аниқланган ҳамда (*in vitro*) комплекслар каламуш жигар митохондрияларидаги мембрана липидларини перекисли оксидланишини самаралироқ ингибирлаши аниқланган.

5. Индивидуал цинарозидга нисбатан цинарозид/ $\gamma$ -ЦД 10 мартаба ва цинарозид/2-ГП- $\beta$ -ЦД комплекси эса 15 мартаба юқори вазорелаксанти хусусиятни намоён қилиши аниқланган ( $P < 0,05$ ). Таъсир қилиш механизми потенциалга боғлиқ, рецепторга боғлиқ ва АТФга боғлиқ калий каналга таъсир қилиши билан изоҳланади.

6. Цинарозидни циклодекстринлар билан комплекслари янги турдаги самарали дори шакилларини яратиш учун тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019. К/В. 37.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ГАЙИБОВА САБИНА НАРИМАНОВНА**

**ИЗУЧЕНИЕ СТРУКТУРЫ И БИОЛОГИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ  
ВОДОРАСТВОРИМЫХ КОМПЛЕКСОВ ЦИНАРОЗИДА С  
ЦИКЛОДЕКСТРИНАМИ**

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/B473**

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([ibb-nuu.uz](http://ibb-nuu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Арипов Тахир Фатихович**  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:** **Ощепкова Юлия Игоревна**  
доктор химических наук, с.н.с.

**Тагайалиева Нигора Абдунабиевна**  
кандидат биологических наук, с.н.с.

**Ведущая организация:** **Институт Микробиологии**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № \_\_\_). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № «\_\_\_» от \_\_\_\_\_ 2021 г).

**Ш.И. Салихов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., академик

**Ш.А. Шомуротов**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.х.н.

**М.Б. Гафуров**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению учёных степеней, д.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире наиболее перспективной стратегией фармацевтического воздействия при различных заболеваниях является использование соединений природного происхождения. В связи с этим большое внимание привлекают флавоноиды, выделенные из растений, как вещества, комплексно влияющие на биологическую активность клеток человека и животных. Несмотря на высокую фармакологическую активность флавоноидов, они обладают низкой биодоступностью в организме по сравнению с ксенобиотиками. Поэтому важно использовать различные технологические методы для увеличения биодоступности препаратов на основе флавоноидов и улучшения их терапевтического потенциала. Поэтому одной из важных задач является использование различных технологических методов для увеличения биодоступности и улучшения терапевтического потенциала препаратов на основе флавоноидов.

В настоящее время в мире разработка новых и усовершенствование уже известных лекарственных средств связано, в том числе с особенностями систем доставки лекарств в организм человека, которые позволяют существенно повысить биодоступность и снизить их дозировку. Особую роль в этом отношении играют циклодекстрины (ЦД). В частности, при создании макромолекулярных терапевтических систем, путем получения молекулярных комплексов, проводятся исследования в следующих направлениях: получение полимерных носителей с регулируемыми молекулярными параметрами и физико-химическими свойствами на основе ЦД; разработка методов иммобилизации лекарственных препаратов с ЦД; изучение механизмов действия макромолекулярных лекарственных систем и разработка промышленных технологий для их производства.

В настоящее время в Республике, особое внимание уделяется разработке новых, эффективных, импортозамещающих лекарственных препаратов на основе местного сырья и обеспечению населения качественными лекарствами. В частности, изучение биологической активности препаратов на основе флавоноидов обладающих гипотензивными и антиоксидантными свойствами и повышение его биодоступности путём получения его комплексов с ЦД является важным. В 4-направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами»<sup>2</sup>. В этой связи создание высокоэффективных и дешевых лекарственных средств, конкурентоспособных на мировом рынке, на основе местного растительного сырья имеет важное значение.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947- «о стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы

Диссертационное исследование служит для выполнения задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан УП-5229 "О мерах по коренному совершенствованию системы управления фармацевтической сетью" от 7 ноября 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 года ПП№-2640 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

